


Афинада очиладиган илк масжид имомлигига эълон берилди



08:30 / 21.12.2018 1747

Грециянинг Таълим ва дин ишлари бўйича вазирлиги томонидан тарқатилган эълонда Афинада яқинда очилиши кузатилаётган янги масжид учун имом лозимлиги маълум қилинган, деб хабар беради IQNA. Эълонда имомликка номзод бўладиганлар қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

- грек тилини билиши;
- греция фуқароси бўлиши;
- ҳарбий хизматда бўлган бўлиши;
- Афинада камида уч йил яшаган бўлиши;
- судланмаган бўлиши.

Номзодлардан Қуръони карим, илоҳиётшунослик ва араб тилидан мукаммал билимга эга бўлишлари талаб этилган. Шунингдек, имом домла инглиз, француз ва немис тилларида ҳам эркин гаплаша оладиган бўлиши лозим. Номзодларни рўйхатга олиш жорий йил 20 декабрдан 2019 йилнинг 18 январигача давом этади. Мазкур масжид 350 кишига мўлжалланган бўлиб, 2019 йилда очилиши режалаштирилган. Афинада шу кунларда қарийб 200 минг мусулмон яшаши тахмин қилинади. Маълум бўлишича, бу Греция пойтахти Афинада Усманийлар давридан кейин биринчи

очилаётган мусулмонлар ибодатхонаси экан.

Islom.uz портали таҳририяти